

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШ АРИШ КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВРИАТ 5610100 – ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА ЮРИТИШ
ЙЎНАЛИШИ

4.38 – ГУРУХ ТАЛАБАСИ
МАМАТХОЛОВ МИРКОМИЛ ЭШМУМИНОВИЧНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: фермер хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига
боғлиқ ҳолда ривожлантириш имкониятлари

Илмий раҳбар:

“Фермер хўжалигини бошқариш”
кафедраси катта ўқитувчиси

А.Ш. Дурманов

«Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди»

Фермер хўжалигини бошқариш
кафедраси мудири,
доц. _____ Р. Пулатова
2014 йил «__» _____

Фермер хўжалигини бош ариш
факультети декани, доцент
_____ А. Шокиров
2014 йил «__» _____

Тошкент – 2014 й

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқларни мувофиқлаштиришнинг назарий асослари.....	8
1.1. Қишлоқ хўжалигида итисослаштириш ва жойлаштириш тўғрисида тушунча, тамойиллари ва туркумланиши.....	8
1.2. Қишлоқ хўжалигида тармоқ тўғрисида тушунча, уларни самарали мувофиқлаштириш тамойиллари.....	12
II. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва эришилган натижалари таҳлили.....	17
2.1. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	17
2.2. Сурхондарё вилоятида фермер хўжалиги ихтисослашуви бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.....	22
III. Фермер хўжаликларида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш йўналишлари ва истикболлари	37
3.1. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари.....	37
3.2. Фермер хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	40
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	48
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	50
ИЛОВАЛАР.....	56

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалигининг бозор шароитида барқарор ривожланишини таъминлайдиган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Республикамызда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи асосий субъект сифатида аҳолини озиқ-овқат, қайта ишлаш соҳасини хом-ашё билан таъминлаш ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ривожланишига ва самарадорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов келажакда фермер хўжаликларини янада ривожлантириш тўғрисида тўхталиб, «...ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда»¹, дея алоҳида эътироф этади.

Келажакда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш фермер хўжаликлари олдида қўйилган асосий вазифалардан биридир. Буни амалга оширишда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ер-сув, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, экинларни оқилона жойлаштириш, мелиорация ишларига эътибор қаратиш, фермер хўжалиги раҳбарлари, аъзоларини бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш агротехникаси бўйича билим даражасини яхшилаш, хўжаликларда кооперациялашув жараёнларини ташкил этиш, уларни ишлаб чиқариш инфратузилмалари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини бозор талаблари даражасида такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Тошкент, «Ўзбекистон», 2009. - 22 б.

Мазкур мавзу доирасида юқорида қайд этилган вазифаларни ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фермер хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш имкониятлари, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар С.И. Грядова, С.Н. Сазанов, К.С. Тернов, М.А. Конаковлар² томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда ушбу муаммонинг умумий жиҳатлари иқтисодчи олимлар А.А. Абдуғаниев, А.М. Жўраев, А.М. Қодиров Ч.М. Муродов, А.Ражапов, Б.Т. Салимов, С.Н.Усмонов, Ў.П. Умурзоқов, Т.Х. Фармонов, Р.Ҳ.Хусанов, Н.С. Хушматов ва Қ.А. Чориевларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бироқ, ҳар бир ҳудудда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлигини ҳисобга олиб, фермер хўжаликлари фаолиятини ҳудудий жиҳатдан ўрганиш тадқиқот ишининг мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқот мақсади - иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларининг ҳудудий ишлаб чиқариш ва фермер хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш имкониятлари/ самарадорлигини ошириш юзасидан илмий

² Конаков М.А., Конаков А.П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств. - М.: АСАДЕМА, 2004. – 7 -35 с.; Сазанов С.Н. Организационно-экономические и технические проблемы развития крестьянских (фермерских) хозяйств. - Воронеж: Государственный аграрный университет им. К.Д. Глинки, 1997. - 25 с.; Тернов К.С. Фермерское предпринимательство в условиях преодоления кризиса.-Воронеж, 1998. - 32 с.; Грядова С.И. Организация и экономические основы фермерского хозяйства. - М.: Научно-методический центр профессионального образования,

³ Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т. Дехканское (фермерское) хозяйство. - Т.: Мехнат, 1994. - 102 с.; Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т., Худойбердиев А. Тадбиркорлик асослари. - Фарғона, 2000. -75 б.; Жўраев А.М., Исомиддинов Ғ., Номозов А. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари. - Т.: ЎзБИИТИ, 2005. – 10 - 15 б.; Ражапов А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлиги. - Т.: - 2000. - 20 б.; Хусанов Р. Ҳ., Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. - Т.: - 2002. - 24 б.; Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. - 232 б.; Муродов Ч. М. Қишлоқ жойларида инфратузилмани ривожлантириш муаммолари // Биржа - эксперт. - Тошкент, 2008. - № 4 - 5. – Б. 21 -24.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Автореферат -Т.: - 2006. - Б. 3 - 25.; Умурзоқов Ў.П., Тошбоева Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти.-Т.: IQTISOD-MOLIYA, - 2008. – 87 - 89 б.; Қодиров А.М. Ер-хазина, сув олтин // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2003. - № 4. - Б. 6 - 7.; Хушматов Н.С., Файзуллаева Т. Пахтачиликда иқтисодий самарадорликни ошириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-Тошкент, 2003. - № 10 - 11. - Б. 32 - 33.

таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

БМИ вазифалари:

- фермер хўжалиги фаолияти самарадорлигининг назарий асосларини тадқиқ этиш;
- фермер хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- фермер хўжаликларининг ер ресурсларидан фойдаланиш механизмининг ҳолатини тадқиқ этиш ва ердан самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- табиий - иқлим шароити ва ер майдонлари хусусиятларидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларида экинларни оқилона жойлаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- фермерларнинг бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда агротехник тадбирлар ўтказиш бўйича билим, кўникмалари ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор механизми асосида ташкил қилиш, хизмат турлари ва хизматлар баҳосини мувофиқлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш шакли бўлмиш фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳамда фермер хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш имкониятлари

тадқиқотнинг предмети қилиб олинган.

БМИда тавсия этилган хулоса ва таклифлар.

- фермерларнинг бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда агротехник тадбирлар ўтказиш бўйича билим ва малакаларини ошириш ўқув марказлари фаолиятининг такомиллаштирилган тизими ишлаб чиқилди;

- фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган ва гуруҳланган;

- фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва унинг унумдорлигини оширишга қаратилган амалий таклифлар тайёрланган;

- табиий - иқлим шароити ва ер майдонлари хусусиятидан келиб чиқиб, фермер хўжаликларида экинларни оқилона жойлаштириш, ихтисослаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- фермерларнинг бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда агротехник тадбирлар ўтказиш бўйича билим ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- фермер хўжаликлари ва унга хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор механизми асосида ташкил қилиш, хизмат турлари ва хизматлар баҳосини мувофиқлаштириш, рақобат муҳитини шакллантиришни такомиллаштирилиши бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

БМИнинг тузилиши кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар қисми, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилда

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги маърузаси. Бу маърузада 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Президенти Ислон Каримовнинг 07.06.2014 йилдаги “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтабаларида ушбу муаммо билан бошқа мураккаб вазиятлар юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир ўйғотаётгани кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжимияти учун долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси. Бу маърузада 2012 йил якунлари ҳамда 2013 йил учун белгилаб берилган мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари, мақсад-вазифалари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар кенг таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини эришган ютуқлари ва ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Каримов И. А.”Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози , Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (2009.) Бу китобда инқирозни бартараф этиш учун халқ хўжалигининг барча сохалари сингари

қишлоқ хўжалигининг аҳамияти катта эканлиги кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётга асосий валюта олиб келадиган сахалардан бири эканлиги алоҳида айtilган ва бу соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиб уни янада ривожлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

И.А.Каримовнинг “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” (2005) номли асари. Бу асарда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, уларнинг натижалари атрофлича таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигида фермерларни ривожлантиришда уларни диверсификациялаш, яъни фермер хўжаликларида турли соҳаларни ривожлантириш, барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш масалалари устида тўхталган.

”Хусусийлаштирилган корхоналарни кооператив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарори **да** кооператив тадбиркорликнинг мақсади, вазифалари ва шакллари ҳамда акциядорлик капиталини бошқаришнинг назарий ва илмий-услубий асослари ўрганилган, кооператив бошқарувнинг классик моделлари солиштирма таҳлил этилган, Ўзбекистонда кооператив бошқарув модели ва механизмларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда шаклланиш босқичлари очиб берилган.

Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. *Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. . «Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида»* номли китобида республика кимё саноати корхоналарида хусусийлаштиришдан кейин шаклланган мулк таркиби, бошқариш тизими ҳамда ривожланириш тенденциялари ҳам кооператив бошқарув самарадорлиги баҳоланган, давлатнинг очик акциядорлик жамиятлари низом фондидаги иштироки тадқиқ этилган ҳамда уларда самарали мулк эгалари шаклланиш муаммолари асосланган.

Ғ.А.Саматов, И.Б.Рустамова, У.А.Шерипбаеваларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”(2012) дарслигида, агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётининг кўп тармоқли тизимидаги ўрни, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий иқтисодий асослари, қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқаришини башорат қилиш ва режалаштириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ер-сув ресурслари, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни амалга ошириш асослари, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг иқтисодий моҳияти, деҳқончилик, чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти ва бошқаруви, қишлоқ хўжалигини интенсифлаштиришнинг иқтисодий асослари, ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги ялпи ва товар маҳсулотларини кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ихтисослаштириш ва интеграция жараёнларининг иқтисодий моҳияти, шу билан бирга агрофирмаларни ташкилий иқтисодий асослари ва уларни бошқариш масалалари ёритилган.

1.1. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ТАРМОҚЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва жойлаштириш тўғрисида тушунча, тамойиллари ва туркумланиши

Иқтисодий ислохотлар жараёнида, мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилиб, ҳамма қайта тузилмалар хусусий характерга эга бўлган бир шароитга келтирилмай, мос равишда ижтимоий меҳнат таксимооти амалга оширилмаса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилмайди ва қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган улкан вазифалар тўлиқ бажарилмайди.

Кенг маънода ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш - бу ижтимоий меҳнат тақсимотидир.

Ихтисослаштириш деб, бозор талабини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат ҳудудларидаги корхоналарнинг табиий - иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб илмий асосларда, маълум турдаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган қилиб жойлаштирилган ижтимоий меҳнат тақсимотига айтилади.

Ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотини сифат томонини кўрсатади, у ёки бу хўжаликда, туманда, вилоятда қайси турдаги маҳсулот, хизмат ёки тармоқ етакчи эканлигини кўрсатади.

Ихтисослаштириш мамлакат ҳудудида қайси маҳсулотни етиштириш табиий - иқтисодий ва экологик жihatдан қулай эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштириш билан уни ихтисослаштириш бир-бирлари билан узвий боғлангандир.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида мамлакат туманларининг табиий - иқтисодий ва экологик омилларини ҳисобга олган ҳолда, уларда у ёки бу турдаги қишлоқ хўжалик экини ёки чорва моллари турини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматни мос ҳолда жойлаштиришдир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотини миқдор томондан кўрсатиб, мамлакат ҳудудларида жойлашган ҳар бир хўжалик, туман, вилоят, қайси турдаги қишлоқ хўжалик экинларини экишини, чорва моллар турини сақлашни ва уларга мос бўлган хизматни кўрсатишини аниқлаб беради.

Ихтисослаштиришни тўғри йўлга қўйиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. У бозор иқтисодиётининг меҳнат тақсимоти қонуни, меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши, меҳнат турларининг ўрин алмашинуви каби умум иқтисодий қонунларидан келиб чиқади. Ихтисослаштириш меҳнат унумдорлигини, хўжаликнинг рентабеллиги ва даромадини кескин оширишга хизмат қилади.

Ихтисослаштириш бозор учун энг зарур иқтисодий аҳамиятга эга бўлган

товар маҳсулотларини етиштириш ва хизмат турларини кўрсатиш учун меҳнат ва моддий ресурсларнинг бир жойга тўплашни, янги техникадан кенг ва самарали фойдаланишга, янги илгор технология ва меҳнатни ташкил этишни ижара муносабатлари ва оила пудрати усулларини жорий этишга қулай шароит яратиб, етиштириладиган маҳсулот миқдорини ва хизмат турини анчагина кўпайтириш имконини беради, меҳнат унумдорлигини оширади, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш корхоналар олдида турган асосий вазифаларни тўлиқ бажарилиши яъни, ишлаб чиқаришга илгор, экологик тоза агротехника, зооветеринария, техникавий хизмат, органик ва минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ва чорвани ҳимоя қилиш воситаларини, фан ютуқлари, илгор иш тажрибасини жорий этиб, улардан унумли фойдаланиб, меҳнат ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда қишлоқ хўжалигига яроқли хар бир гектар ер ва шартли бош мол ҳисобига деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини мумкин қадар тез ва барқарор кўпайтиришни таъминлайди.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштириш бўйича иш олиб борганда қуйидаги тамойилларга қатъий амал қилиш лозим:

- ихтисослаштириш ва жойлаштиришда мунтазамлик ва барқарорлик;
- хўжалик иқтисодини ва ишлаб чиқариш тузилмаларини ҳисобга олган ҳолда, ташкилий мулк шаклини ва ишлаб чиқариш йўналишини танлашга илмий ёндошиш;
- корхоналарнинг бир-бири билан ихтиёрий ҳамкорлик ва иқтисодий мустақиллигини сақлаш;
- корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни ташкил қилишда, ижтимоий меҳнат тақсимотини амалга оширишда ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда демократик тамойилларга амал қилиш;
- иш бажарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини ўстирганлиги учун моддий манфаатдорлигини таъминлаш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштиришга қуйидаги омиллар ўз таъсирини утказади:

- бозор талабини ҳисобга олиш;
- ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли ва тўла фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни истеъмолчиларга яқинлаштириш;
- ҳар бир иқтисодий туманни ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳисобига, ўз талабини қондириш;

- республика, вилоят ва туманларда меҳнат тақсимотини ҳисобга олиш ва меҳнат бозорини ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштиришда қуйидаги омилларга эътибор бериш лозим:

- йирик саноат марказлари ва шаҳарлар талабини ҳисобга олиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари характериға, тез бузилиш, ташиш қийинчилиги, транспорт ҳаракати ва ҳоказоларға;
- маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган хом ашё характериға;
- сут, қатиқ, ёғ ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун озиқани чорва молларига яқинлаштиришға;
- транспорт воситалари ҳамда йўллар ҳолатига;
- маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотувчи корхоналарни жойлашишиға ва ривожланиш даражасига;
- минтақа аҳолиси, унинг меҳнатға яроқли қисми, меҳнат малакаси, касби ва бўш иш ўринларининг мавжудлигига.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ихтисослаштириш маҳаллий шароит талабларини ҳисобга олган ҳолда амалға оширилади.

Ихтисослаштириш қуйидаги шаклда туркумланади:

- минтақавий;
- хўжаликлар бўйича;
- хўжалик ичида.

Минтақалар бўйича ихтисослаштириш дейилганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини йирик ҳудудий минтақалар, вилоятлар бўйича меҳнат тақсимоти тушунилади. Масалан, пахтачилик, тамакичилик, дончилик, қоракўлчилик ва ҳоказо. Бундай ихтисослашиш у ёки бу минтақа, қайси турдаги

махсулот етиштиришга мослашганлигини кўрсатади ва минтакаларни бир-бири билан таққослашда катта роль ўйнайди.

Хўжаликлар бўйича ихтисослаштириш дейилганда, минтақага кирувчи алоҳида корхоналарни ишлаб чиқариш йўналиши бўйича ихтисослаштириш тушунилади. Бундай ихтисослаштириш натижасида хўжаликларда бир қанча бир-бирлари билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш юзага келади. Масалан, пахта ишлаб чиқариш, сўзсиз алмашлаб экишни қўллашни талаб этади. Алмашлаб экиш ўз навбатида чорвачилик тармоқларини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради. Натижада моддий ва меҳнат ресурсларини товар қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқариш учун, бир корхонада тўплаш юзага келади.

Хўжаликлар ичида ихтисослаштиришда бир турдаги махсулотни ишлаб чиқариш учун бир хўжаликнинг бир неча бўлим, ферма ва фермерлари иш жараёнларида бирлашади, улар ўртасида меҳнат тақсимоли юзага келади. Масалан, бўрдоқчилик фермалари, виночилик, консерва тайёрлаш ва ҳоказо.

Хўжалик ичида ихтисослаштириш корхона ишлаб чиқаришининг ихтисосланишини акс эттириб, унинг бир жойга тўпланишига олиб келади. Бундай ихтисослаштириш ишлаб чиқариш қандай даражада марказлашганлигини кўрсатади, хўжаликларнинг жадал ривожланишига бевосита таъсир этади.

Ихтисослаштиришни аниқловчи кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

- товар махсулотларининг таркиби;
- товар махсулоти таркибида айрим экин турлари ёки тармоқларнинг тутган ўрни;
- махсулотларнинг товарлилик даражаси.

Қўшимча кўрсаткичлар қуйидагилардир: 100 гектар қишлоқ хўжалик экин майдони ҳисобига етиштириладиган товар махсулоти (қиймат ва натура кўрсаткичлари), махсулот таркиби, 100 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фонди ҳисобига ва ўртача бир ходим ҳисобига тўғри келадиган товар махсулоти ва ҳоказолар.

1.2. Тармоқ тўғрисида тушунча, уларни самарали

мувофиқлаштириш тамойиллари

Қишлоқ хўжалиги хилма-хил товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи, бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тармоқлар мажмуасидан ташкил топган.

Тармоқ деб, бир-биридан ишлаб чиқариш техникаси, технологияси, фойдаланиладиган асосий ва айланма воситаларнинг таркиби, ишчи кучларининг характери, малакаси, касби ва пировард маҳсулоти билан фарқланадиган соҳаларга айтилади.

Қишлоқ. хўжалик корхоналарида дехкончилик ва чорвачилик тармоқлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу тармоқлар уз навбатида катор яна ҳам чуқур ихтисослашган тармоқларга ажралади.

Дехкончиликда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига қараб: дончилик, пахтачилик, картошкачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқалар; чорвачиликда моллар турига асосан: қорамолчилик, чўчқачилик, қорақўлчилик, паррандачилик, баликчилик, асаларичилик ва хоказолар.

Тармоқлар ўз навбатида асосий ёки етакчи, қўшимча ва ёрдамчи тармоқларга бўлинади. Бундай туркумлаш асосида тармоқларда ишлаб чиқариладиган товар маҳсулотларининг салмоғи ва тутган ўрни ҳисобга олинади.

Асосий тармоқ корхонада ишлаб чиқариладиган товар маҳсулотининг $\frac{2}{3}$ (учдан икки) қисмини ёки 66 фоизидан ортигини бериши лозим. У хўжаликнинг ихтисослашганлигини белгилайди, ишлаб чиқариш таркиби шу асосий тармоққа боғлиқ.

Қўшимча тармоқ деб, ялпи ва товар маҳсулотининг энг камида $\frac{1}{3}$ (учдан бир) қисмини ташкил этадиган тармоққа айтилади.

Қўшимча тармоқлар асосий тармоқнинг ривожланишига бевосита ижобий таъсир этиб, корхонада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш учун шароит яратиб беради.

Қўшимча тармоқларга - пахтачилик хўжаликларида, пиллачилик, сут ва гўшт ишлаб чиқарувчи фермалар, сабзавотчилик, картошкачилик ва хоказолар қиради.

Ёрдамчи тармоқ (ёки ёрдамчи саноат корхонлари) - бу қишлоқ хўжалик

хом-ашёсини қайта ишлайдиган - тегирмонлар, обжувозлар, сутни қайта ишловчи цехлар, сабзавот, мева, узумни қайта ишлайдиган корхоналар, қурилиш материаллари тайёрлайдиган - гишт, черепица заводлари, тахта тиладиган пилорамалар, инвентарлар ясайдиган, қурилиш материллари тайёрлайдиган устахоналар; шунингдек маиший хизмат кўрсатадиган - ошхона, нонвойхона, тикувчилик, пойафзал ва бошқа устахоналар киради.

Қўшимча тармоқлар йил давомида қишлоқ жойларидаги ортиқча меҳнат ресурсларидан тўла ва бир текис фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиётига аста-секин ўтказиш, корхоналарнинг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келди, уларда янгича меҳнат тақсимооти шаклланимоқда ҳамда асосий, қўшимча ва ёрдамчи тармоқларни мувофиқлаштиришнинг янгича шакллари вужудга келмоқда.

Тармоқларни мувофиқлаштиришдан кўзда тутилган мақсад, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита бўлган ердан янада унумли фойдаланишдир.

Тармоқларни тўғри, илмий асосда мувофиқлаштириш барча ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш, транспорт харажатларини қисқартириш, маблағлар айланишини тезлатиш ва соф даромадни ошириш имконини беради.

Тармоқларни бир-бирига мақсадга мувофиқ равишда мувофиқлаштиришнинг иқтисодий тамойиллари қуйидагилардан ташкил топади:

- бозорни юқори сифатли, арзон, рақобатга чидайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш;
- тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаш тамойиллари асосида юқори самарадорликка ва хўжалик юритишни мустақиллигига эришиш;
- корхонанинг табиий-иқлим ва иқтисодий хусусиятларини кенг кўламда ҳисобга олиш;
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва улардан тўла ва тўғри фойдаланиш;
- меҳнат тақсимотини тўғри режалаштириш асосида меҳнат ресурсларидан

унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришда мавсумийликни пасайтириш;

- ишлаб чиқариш воситаларидан ва хусусан энергия билан қуролланган, юқори қийматли техника воситаларидан унумли фойдаланиш;

- товар маҳсулотларини сотиш маконларини кенгайтириш ва транспорт харажатларини камайитириш;

- корхонанинг озик-овкат маҳсулотларига бўлган ички талабларини қондириш, аҳолини техника хизмати ёрдамига бўлган эҳтиёжларини бажариш.

Асосий ва қўшимча тармоқларни мувофиқлаштириб бориш уларнинг бир меъёрга ривожланишини таъминлайди. Тармоқларни мувофиқлаштириб бориш шакллари жуда кўп. Улар ишлаб чиқаришнинг маҳаллий, табиий ва иқтисодий шароитларига боғлиқ бўлиб, ҳар гектар ердан, ҳар бир бош чорва молидан кўпроқ миқдорда, арзон маҳсулот олиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш типлари, ўзларининг барча товар маҳсулотлари таркибида ҳамда бош йўналишларида, асосий товар маҳсулоти етиштиришда, тармоқнинг тутган салмоғи билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш типи деб - бир хил ишлаб чиқариш йўналишига ва таркибига эга бўлган, бир хил табиий-иқтисодий шароитда ишлаб чиқаришни олиб борадиган, бир турдаги илгор техника ва технологияни қўлайдиган, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда бир хил жадаллик даражасига эришган ишлаб чиқариш соҳаларига айтилади.

Республикамиздаги қишлоқ. хўжалик корхоналари минтақалар бўйича тупроқ, иқлим шароитлари, ер-сув ресурслари, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истикболларини ҳисобга олган ҳолда 3 та минтақа, майдонга - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш мажмуалари (туманлари)га ажратилган:

1. Республиканинг текис саҳро минтақаси - яйлов қорақўлчилик мажмуаси типдаги хўжаликлар жойлашган;

2. Республиканинг лалмикор минтақаси - дончилик-чорвачилик, гўшт ҳамда гўшт-жун қўйчилиги типдаги хўжаликлар ривожлантирилган;

3. Сугориладиган минтақа - асосан пахта ва дон ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик типлари жойлашган.

Бозор иктисодиёти, республикамиз кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослаштириш, жойлаштириш ва корхоналарнинг истикболдаги ишлаб чиқариш типлари бўйича ўз тузатишларини киритиши кутилади.

Кишлок. хўжалик корхоналарининг хажми натура ва пулда ифодаланган ялпи маҳсулот миқдори билан белгиланади. Бу асосий кўрсаткич. Уни бир неча йиллар давомида аниклаш мумкин.

Хўжалик ҳажмининг билвосита кўрсаткичлари:

- товар маҳсулотлари хажми;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг миқдори, шу жумладан ҳайдаладиган ерлар;
- асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;
- мавжуд ишчи кучининг сони: мол ва парранда сони;
- йирик товар кишлок хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш пахтачилик ва ғаллачиликда ширкат хўжаликлари томонидан амалга оширилади;
- ўрта товар ишлаб чиқариш айниқса чорвачилик маҳсулотлари етиштириш фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилади;
- майда товар ишлаб чиқаришни деҳқон хўжаликлари амалга оширади.

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги — Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикаимизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2012 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Аграр тармоқ юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимизнинг ташаббуси ва

бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда.

2.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (фоизда).

Ўтган 2006-2012 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2006 йилда 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 106,6 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2006 йилдаги 26,3 фоиздан 2012 йилда 17,1 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Мамлакатимизда 2012 йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион дондан зиёд тухум тайёрланди.

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ, 1990-2012 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ, мева 2,6 баробар, узум

1,3 баробардан зиёд, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2 баробардан ва тухум 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

2.1.2-расм. Ўзбекистонда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, центнер ҳисобидан.

Расмдан кўриниб турибдики, ўтган 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, 2012 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 фоизга, донли экинлар ҳосилдорлиги 20,2 центнердан 44,2 центнерга ёки 218,8 фоизга, картошка ҳосилдорлиги 80 центнердан 194,9 центнерга ёки 243,6 фоизга, сабзавот ҳосилдорлиги 192,0 центнердан 252,5 центнерга ёки 131,5 фоиз га ва полиз ҳосилдорлиги 115 центнердан 192,6 центнерга ёки 167,5 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикамиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қурук сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2011 йилга келиб аҳоли жон бошига 60,1 кг мева (250,4 фоиз), 35,1 кг узум (146,2 фоиз), 225 кг сабзавот (162,3 фоиз), 60,5 кг картошка (400,6 фоиз) ва 42,0 кг полиз маҳсулотлари (107,6 фоиз) етиштирилди.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

Маҳсулотлар тури	1991 йил	2012 йил	2012 йил 1991 йилга нисбатан, фоиз да
Мева	24,0	60,1	250,4
Узум	24,0	35,1	146,2
Сабзавот	138,6	225,0	162,3
Картошка	15,1	60,5	400,6
Полиз	39,0	42,0	107,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикамызда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб борди. Жумладан, 2011 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кг.дан 38 килограмм ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 килограммдан 239 килограммга ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 донага ёки 142,3 фоизга ошган.

2.2. Сурхондарё вилоятида фермер хўжалиги ихтисослашуви бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотлар жараёни тармоқ ривожланишининг устувор вазифалари, йўналишлари, амалга оширилган иқтисодий тадбирлари билан белгиланади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари ривожланиши, манфаатдорликнинг юқорилиги, жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиётида синалган ва ривожланган мамлакатлар ушбу тармоғида самарали хўжалик юритиш шакли сифатида ўз афзаллигини исботлаган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад - ернинг чинакам эгасини топиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада тўкинроқ қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва айрим маҳсулот турларини четдан келтиришни кескин камайтириш учун зарур шарт- шароитлар яратишдан иборатдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларига бозор механизмини жорий қилишда оилавий пудратни ривожлантириш орқали эришиб бўлмаслиги, жамоа ва давлат хўжаликларида барча масалаларни ҳал қилиш, жумладан, экинларни жойлаштириш, ерларнинг ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва оилавий пудратчининг моддий манфаатдорлиги фақат ўзининг меҳнат натижасига эмас, балки муайян даражада хўжалик раҳбарининг иш юритиш тажрибасига боғлиқ бўлганлиги натижасида самарали хўжалик юритиш шакли фермер хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор қаратила бошланди.

Фермер хўжаликлари фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайли Қашқадарё вилоятида уларнинг қишлоқ хўжалик экин майдонидаги улуши 2008 йилда 55,5 фоиздан 2012 йилда 88,3 фоизга, пахта етиштиришдаги улуши 2008 йилда 69,9 фоиздан, 2012 йилда 99,8 фоизга, ғалла ишлаб чиқаришдаги улуши эса 2008 йилда 61,7 фоиздан 2012 йилда 85,9 фоиз ортишига олиб келди.

Вилоят фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлиги қиймат кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинганда 2008 йилда бир тонна маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган фойда пахтачиликда 86 минг сўмни ва 2012 йилда 129,0 минг сўмни, ғаллачиликда эса мутаносиб равишда 22,8 минг сўмни ва 45,0 минг сўмни ташкил қилди.

Вилоят ширкат хўжалигида эса, ушбу кўрсаткич 2012 йилда ғаллачиликда 19,0 минг сўмни ташкил қилди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиши жараёнида фермер хўжаликлари самарали фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари яратилиб, қатор ижобий ютуқларга эришилди.

Бунда давлатнинг фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида қўллаб-қувватлаши, ривожланиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитлари (солиқ, кредит имтиёзлари) стратегияси тўғри йўл танланганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда, (1-жадвал).

Тадқиқот жараёни давомида олинган ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб - қувватлаш

учун асос бўладиган элементларни аниқлашга хизмат қилади. Фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ҳосилдорлик даражаси кўрсаткичи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2.3.1-жадвал

Сурхондарё вилоятида хўжалик юритиш шаклларининг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили⁴

Т/р	Кўрсаткичлар	Вилоят бўйича ўртача		Фермер хўжаликларида	
		2008 й.	2012 й.	2008 й.	2012 й.
1.	Ҳосилдорлик, (ц/га):				
А)	•ғаллачиликда	27,7	37,8	33,2	38,9
Б)	•пахтачиликда	27,8	26,0	26,3	26,2
2.	1 тонна маҳсулот таннархи, (минг сўм),	52,3	166,0	42,2	153,0
А)	•ғаллачиликда				
Б)	•пахтачиликда	180,6	337,0	176,1	337,0
3.	1 тонна маҳсулот сотиш баҳоси, (минг сўм),				
А)	•ғаллачиликда	74,7	198,0	65,0	198,0
Б)	•пахтачиликда	265,1	466,0	262,0	466,0
4.	1 тонна маҳсулот сотишдан олинган фойда, (минг сўм)	22,4	32,0	22,8	45,0
А)	•ғаллачиликда				
Б)	•пахтачиликда	84,5	129,0	86,0	129,0
5.	•Рентабеллик, (% да)				
А)	•ғаллачиликда	42,9	19,7	54,0	28,9
Б)	•пахтачиликда	46,8	38,2	48,8	38,2

⁴ Сурхондарё вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалик корхоналарида экин турлари бўйича ҳосилдорликни ўсиши билан боғлиқ кўрсаткичларга қатор омиллар таъсир кўрсатади, яъни:

Фермер хўжалигининг ҳосилдорлик даражасига табиий, иқтисодий ва ташкилий-технологик омиллар таъсир кўрсатиб, уларнинг ижобий таъсири экин турлари бўйича ҳосилдорлик даражаси ошишига олиб келса, салбий таъсири эса, ҳосилдорлик даражасининг кескин камайишига олиб келади, (қуйидаги расмда).

Табиий омиллар, бу - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириш, экин турлари бўйича касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, табиий-иқлим шароити, сув билан таъминлаш, ёғингарчилик даражаси, об-ҳавонинг ўзгариши билан изоҳланса, иқтисодий омиллар эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш даврида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, яъни, экологик тоза маҳсулотлар тайёрланганда уларга имтиёзли нархлар жорий этиш, меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш, солиқ имтиёзлари бериш, меҳнат ресурсларини рағбатлантириш, меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига иш ҳақини ошириб бориш каби омиллар билан характерланади. Фермер хўжалигида ташкилий - технологик омиллар, бу - алмашлаб экишни жорий қилиш, тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, ерларни экишга тайёрлаш, ерларнинг мунтазам равишда мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш, маҳсулот етиштиришда уруғчилик ишларига, хусусан, нав танлашга, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларини экиш муддатларига риоя қилиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида, меъёрлар асосида ўтказилишини ташкил қилиш ҳамда назорат қилиш қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик даражасини оширишга хизмат қилади.

2.3.1-расм. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик даражасига таъсир этувчи омиллар⁵

Ушбу ҳолат:

- фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг ташкилий-иқтисодий фаолияти қандай ташкил этилганлигини доимий баҳолаш учун ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб боришни;

- фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари яъни, биологик жараён ва табиий - иқлим шароитлари, иқтисодий ва ташкилий омилларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Шунингдек, фермерлар ўз маҳсулотларини бозорда сотишда кучли рақобатга дуч келган ҳолда, улар ишлаб чиқариш ресурсларини одатда маълум даражада монополлашган бозордан сотиб оладилар. Бу эса, фермер хўжаликлари харажатларининг сезиларли даражада ошиб кетишига таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқот ишида фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар макродаражадаги ташқи ва микродаражадаги ички

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

(объектив ва субъектив) омилларга бўлиб ўрганилди. Фикримизча, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигига аксарият ҳолларда ички омилларнинг таъсири юқори бўлиб, аксарият салбий ҳолатлар улар билан боғлиқдир.

Объектив омилларнинг салбий таъсирида фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларининг бир меъёрга бориши бузилади. Бу эса, айрим ҳолларда фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришининг тўхтатишига ҳам олиб келади. Масалан, фермер хўжалиги учун зарур бўлган уруғлик, минерал ва маҳаллий ўғитлар, ёқилғи - мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар маҳсулотни ўз вақтида етказиб беришни таъминлай олмаса, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Чунки, фермер хўжалиги ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланмасдан туриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қила олмайди , (2-расм).

2.3.2-расм. Қ/Х ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар⁶

Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи объектив омиллардан ташқари субъектив омилларнинг ҳам таъсири сезиларли даражада юқоридир. Яъни, фермер хўжалиги раҳбарининг бозор қонуниятлари тўғрисида етарли билимга эга эмаслиги, фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бажарилмаслиги, қатъий шартнома муносабатлари интизоми бузилиши, ахборот таъминоти ва консалтинг хизматлари, хом-ашё товар биржаси ва меҳнат биржаларидан фойдаланиш даражаси пастлиги субъектив омиллардир.

Субъектив омилларнинг салбий таъсирида фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар узоқ вақт қолиб бузилиши, маҳсулотларни сотишда ортиқча харажатларга йўл қўйилиши мумкин. Фермер хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар юқори сифатли бўлишига қарамай, соф рақобат шароитида бозорда ўз истеъмолчисини топишда қийинчиликларга дуч келади. Бу кишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжалик-ларининг ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги муҳим омиллардан бири - ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви оқибатида унумдорликнинг пасайиб кетиши кузатилмоқда.

Сурхондарё вилоятида 2012 йилда вилоятда кучсиз шўрланган ер майдони 40,3 фоиз - 171,4 минг гектарни, ўртача шўрланган ер майдони 14,9 фоиз - 53,6 минг гектарни ва кучли шўрланган ер майдони 3,8 фоиз - 15,4 минг гектарни ташкил қилган эди. Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари ишлаб

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

чиқариш самарадорлигига ер унумдорлигининг пасайиб кетиши бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, ер ресурслардан оқилона фойдаланишда ер кадастрини тузиш ва балл - бонитет асосида бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

1980-2012 йилларда Сурхондарё вилоятининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ўртача балл - бонитети 57 баллдан 51 баллга яъни, 6,0 баллга пасайган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, мамлакатимизда аҳолининг ўсиши ва умумий фойдаланиладиган ер майдонининг ўзгармаганлиги туфайли, сўнгги йилларда суғориладиган ерларнинг жон бошига тўғри келадиган миқдори сезиларли даражада камаймоқда. Хусусан, республикаимизда 1940 йилда жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони 0,40 гектарни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1950 йилда 0,41 гектарни, 1960 йилда 0,32 гектарни, 1970 йилда 0,24 гектарни, 1980 йилда 0,22 гектарни, 1990 йилда 0,20 гектарни, 2000 йилда 0,17 гектарни ва 2008-2012 йилларда эса ўртача 0,15 гектарни ташкил қилмоқда. Бу айрим МДХ мамлакатлари, шу жумладан, Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон давлатларида жон бошига тўғри келадиган экин майдонлари ҳажмидан ҳам паст кўрсаткични ташкил қилмоқда. Россияда ушбу кўрсаткич 0,67 гектарни, Қозоғистонда 1,54 гектарни, Украинада 0,59 гектарни, Қирғизистонда 0,26 гектарни ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолат фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади⁷.

Фикримизча, фермер хўжаликларида ердан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги, яйлов ерлари ҳосилдорлигини ошириш ва қайта тиклаш, суғориладиган, алоҳида муҳофазаланадиган ерларни асоссиз ишлаб чиқариш оборотидан чиқариш жараёнларидан ҳимоялашда ҳамда қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишнинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва технологик тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар кўрсатишича, фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб

⁷ Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

чиқариш ҳажмини ошириш ва улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш агротехникасини самарали ташкил этиш ва ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча сарф-харажатларга йўл қўймасликка асосий эътибор қаратишимиз лозим. Биргина ерга дастлабки ишлов бериш яъни, ерни шудгорлаш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажаришга эришиш бизнингча, қуйидаги қулайликларни туғдиради:

- биринчидан, ернинг сув - ҳаво ва озук режимлари яхшиланади;
- иккинчидан, ерда мавжуд бўлган бегона ўт уруғлари, ўсимлик зараркунандалари ернинг остида экиш давригача қолиб кетади ва пахтанинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилади;
- учинчидан, ерда қишда ёғингарчилик натижасида тупроқда етарли чуқурликкача ёмғир сувларининг сингиши учун шароит яратилади, ер шўрини ювишда сув сарфи камаяди;
- тўртинчидан, кузги шудгорлаш ишлари пахта ҳосилини оширишга, пахтанинг 85-90 фоизини биринчи навларга топширишни ва оқибатда хом-ашё таннархининг анча арзонлаштириш имконини беради.

Фермер хўжаликларининг ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва унумдорлигини оширишда бизнингча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- қишлоқ хўжалигида иқлим шароити ва ернинг хусусиятидан келиб чиқиб, алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш ва алмашлаб экишни доимий амалга ошириш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда мелиоратив тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишда ирригация тадбирларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларида бегона ўт уруғлари ва зараркунандаларига қарши курашиш;
- тупроқ эрозиясига қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигида ерларни ўз вақтида озиклантиришни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларини ўз вақтида тўлиқ белгиланган меъёрида бажарилишини таъминлаш;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг барча хизмат турлари бўйича ўз муддатида ва меъёрида фаолият юритишини таъминлаш орқали фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилади.

Шунингдек, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятининг мавжудлиги ва бунга эришиш учун табиий - иқлим шароити ва ернинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш орқали фермер хўжаликларининг илмий асосланган ички хўжалик ихтисослашувига эришишни таъминлаш лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида вилоятда пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликларидан бошқа картошка, сабзавот, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Вилоятда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 982 тани ташкил этиб, улар умумий фермер хўжаликларининг 3,3 фоизини, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сони эса, 4911 та бўлиб, жами фермер хўжаликларининг 16,4 фоизини ташкил қилмоқда.

Фикримизча, фермер хўжаликларида пахта ва ғалла маҳсулотларидан ташқари бошқа картошка, сабзавот, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш орқали аҳолини ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида ернинг ўзига хос хусусияти ва табиий шарт-шароитини ҳисобга олиб, вилоятнинг ҳудудий хусусиятидан келиб чиқиб тоғ олди минтақаларидаги:

- Денов, Узун, Сариосиё, Олтинсой, Шурчи туманларининг ер майдонларини маданийлашган, юқори ҳосилдорликка эга бўлган бўз, бўз-ўтлоқли хусусиятини инобатга олиб, ажратилган умумий ер майдонининг 76,0 фоизи пахтачилик ва

ғаллачилик учун, 2,0 фоизи сабзавот ва полизчилик, 4,0 фоизи боғдорчилик ва узумчилик, 18,0 фоизи чорвачилик соҳаси учун ажратиш;

- вилоятнинг Шеробод, Қизирик, Музработ туманлари ер майдонларини кучсиз маданийлашган ўртача ва кучли шўрланган бўз-ўтлоқли, ўтлоқли ва ўтлоқли-ботқоқ хусусиятини ҳамда мунтазам мелиоратив тадбирларни ўтказишни талаб этадиган ерлар хусусиятини инобатга олиб, умумий ер майдонининг 80,0 фоизи пахтачилик ва ғаллачилик учун, 2,0 фоизи сабзавот ва полизчилик, 4,0 фоизи боғдорчилик ва узумчилик, 14,0 фоизи чорвачилик соҳаси учун ажратиш;

- вилоятнинг текислик чўл минтақасининг туманлари ер майдонларининг маданийлашган шўрланмаган ва кучсиз шўрланган, тақир сур тусли, кўнғир тупроқли ерларнинг 80,0 фоизи пахтачилик ва ғаллачилик учун, 2,0 фоизи сабзавот ва полизчилик, 4,0 фоизи боғдорчилик ва узумчилик, 14,0 фоизи чорвачилик соҳаси учун ажратиш;

- вилоятнинг Бандихон туманида кучсиз маданийлашган, ўртача ва кучли шўрланган ва гипсланган бўз ўтлоқли, тақир ўтлоқли, сур тусли кўнғир ўтлоқли тупроқли ва мунтазам мелиоратив тадбирларни ўтказишни талаб этадиган ерларнинг 75,8 фоизи пахтачилик ва ғаллачилик учун, 2,0 фоизи сабзавот ва полизчилик, 2,2 фоизи боғдорчилик ва узумчилик, 20,0 фоизи чорвачилик соҳа учун ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарида фермер хўжаликларини ташкил қилишда уларга ер майдонларини ажратиш ва ажратилаётган ер майдонларининг ҳажми катта аҳамият касб этади. 2008 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3077-сонли «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад - маҳсулот етиштириш миқдорини кўпайтириш эвазига юқори даромадга эга бўлган фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш, ер ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажарилишига эришиш, тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш учун етарли мулкка эга бўлишни таъминлаш, энг аввало, ўз даромади ҳисобидан техника ва бошқа воситалар харид қилинишига эришиш, қишлоқ

хўжалиги тармоғи билан биргаликда ҳудудларда касаначилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш асосида янги доимий иш ўринлари ташкил қилишдан иборат.

Фермер хўжаликлари ер майдонларининг ҳажми йириклашганда ишлаб чиқариш ҳажми кўп миқдорда ўзгарса мусбат «масштаб самараси» вужудга келади ва маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача харажатларнинг пасайиши юз беради. Буни вилоятнинг Шеробод туманидаги «Шер бобо» фермер хўжалиги мисолида қараб чиқамиз.

Фермер хўжалиги деҳқончилик маҳсулотларидан пахта ва ғалла ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, фермер хўжалигида 2006 йилда 25 гектар экин майдонига пахта, 20 гектарига ғалла экилган. 2012 йилга келиб, фермер хўжалигининг аграр иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг дастлабки босқичларида фермер хўжалигининг ер майдони пахтачиликда 120 гектарга, ғаллачиликда 104 гектарга етди. Фермер хўжалиги пахтачиликда ҳосилдорлик даражаси 2005 йилга қараганда 2012 йилда 1,5 центнерга, ялпи ҳосил 331,5 тоннага, даромад 187296,9 минг сўмга, фойда 61292,6 минг сўмга ошганлигини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, ғаллачиликда экин майдонининг ошиши билан фермер хўжалигида ялпи ғалла ишлаб чиқариш 574 тоннага, даромад 81926,2 минг сўмга, фойда 61292,6 минг сўмга ошган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги пахтачиликда 25 гектар ердан маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида 2006 йилда 6094,6 минг сўм фойда олган, 2012 йилда 120 гектар ерга пахта экиб, 67387,2 минг сўм фойда олишга эришган.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда фермер хўжаликлари даромадини ошириш унинг барча ресурсларга бўлган талабини қондириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига фермер хўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш, ноқишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигида инфратузилмани ривожлантиришда давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, «...қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда

ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом-ашё базасини ташкил этиш зарур»⁸, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликларида хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналарининг сони ва хизмат кўрсатиш даражаси қониқарли эмас. Жумладан, вилоятда фаолият кўрсатаётган ММТПлар таркибидаги техник воситаларнинг 91,8 фоизини эскирган, яъни 8 йилдан ортиқ ишлаган техникалар ташкил қилмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш етарли даражада эмас. Жумладан, вилоятда 2008 йилда 27057 та фермер хўжаликларининг 2909 тасида, 2012 йилда 29785 та фермер хўжалигининг 8637 фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик техникалари мавжуд бўлган. Қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган фермер хўжаликлари ҳиссасига 2012 йилдаги жами фермер хўжаликларининг қарийб 30 фоизи тўғри келган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, вилоят фермер хўжаликларида инфратузилма объектлари томонидан хизмат кўрсатишда қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- барча хизмат кўрсатиш объектларида молиявий маблағларнинг етишмаслиги натижасида асосий воситалар сотиб олишга салбий таъсир қилмоқда;

- ушбу инфратузилма объектларида зарур бўлган барча турдаги асосий воситалар, ремонт ускуналари, жиҳоз ва материаллар, замонавий электрон жиҳозларнинг етарли эмаслиги. Бунинг натижасида техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа асосий воситаларни таъмирлаш ишларини самарали ташкил қилишга, белгиланган миқдорда минерал ўғитлар, ёқилғи - мойлаш материаллари етказиб бериш ва ахборотларни тезкор қабул қилиш ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент, «Ўзбекистон», 2009. - 45 б.

- хизмат кўрсатиш объектларида мавжуд асосий воситаларнинг аксарияти хизмат муддатини деярли ўтаб бўлган воситалар эканлиги;

- инфратузилма объектларида меҳнат қилаётганларнинг бозор иқтисодиёти ҳақидаги малакаси ва маълумотининг етарли даражада эмаслиги, ахборот-консалтинг хизматлари томонидан барча хизмат турлари бўйича хизматлар ташкил этилмаганлиги каби муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Фикримизча, вилоят фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва хизматлар сифатини яхшилашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналари фаолиятини эркин бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириш;

- молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини маблағ билан таъминлашда мавжуд бўлган кредитлаштириш тизимини ривожлантириш ва уларга эркин фаолият кўрсатиши учун маблағ топиш имкониятларини яратиш,

- хизмат кўрсатувчи корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлаш ва ахборот - консалтинг хизмати бўлимларининг фаолиятини бозор механизми асосида самарали ташкил этиш;

- хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналарини асосий воситалар билан таъминлаш мақсадида янги техника ва технологиялар олиб кириш учун давлат божлари бўйича имтиёзлар бериш;

- фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналари ўртасида шартномаларнинг сифатли, ўз вақтида тузилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, томонларнинг масъулиятини ошириш;

- фермер хўжаликларига кўрсатилаётган инфратузилма хизматлари кўламини, турларини кўпайтириш, уларнинг сифатли, вақтида ўзаро манфаатли бажарилишини таъминловчи механизмларини бозор талаблари асосида ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш борасида

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2008 йилда вилоят фермер хўжаликларига 418 та турли хилдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилган бўлса, 2012 йилда 163 та қишлоқ хўжалик техниклари етказиб берилди⁹. Бу эса, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик техникалари билан тўлиқ таъминланишига замин яратади. Натижада, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиши таъминланади. Тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма корхоналари фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар аниқланди ва инфратузилма корхоналарида рақобат муҳитини шакллантиришда рақобатбардошликнинг баҳо ва сифат омили тавсифланди.

III. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИИДА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА ТАРМОҚЛАР ТАРКИБИНИ БИР-БИРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

⁹ Сурхондарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини тақомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини тақомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор

талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш.

Бунинг учун:

- ❖ чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- ❖ наслчиликти тубдан яхшилаш;
- ❖ тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- ❖ паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- ❖ чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;
- ❖ озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- ❖ қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;
- ❖ ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ❖ ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини

қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

- ❖ давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

- ❖ пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизминини такомиллаштириш;

- ❖ қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини янада кенгайтириш;

- ❖ қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

- ❖ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

- ❖ унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

10. Агротехника фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- ❖ атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- ❖ пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

- ❖ қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

- ❖ қишлоқ хўжалигида ген муҳандислиги борасида тўпланган жаҳон

тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

❖ экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг камровли ишлар олиб бориш;

❖ хориждан келтирилган наслии уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, парранда ва пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

3.2. Фермер хўжалигида ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ихтисослаштириш ва тармоқлар таркибини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш мамлакат ҳудудида қайси маҳсулотни етиштириш табиий - иктисодий ва экологик жихатдан қулай эканлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштириш билан уни ихтисослаштириш бир-бирлари билан узвий боғлангандир.

Жумладан, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири деҳқончилик. Деҳқончилик тармоғини тўғри ташкил қилиш ва мақсадга мувофиқ юритиш корхонада қабул қилинган деҳқончилик тизимига асосланади.

Деҳқончилик тизимини самарали олиб боришга қуйидаги талаблар қўйилади:

- шартнома кўрсаткичлари ва давлат буюртмаларини бажариш;
- ишлаб чиқаришни самарали ихтисослаштириш, концентрациялаш, тармоқларни мутаносиб олиб бориш;
- саноат ишлаб чиқаришини кенг жорий этиш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, сотишни ташкил этиш ва экспортни кучайтириш;
- ишлаб чиқаришни олиб бориш механизмларининг барқарорлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш бўлимлари ва тармоқлар ўртасида мақсадга мувофиқ боғлиқлик ва нисбатни таъминлаш;

- барча ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш;
- меҳнатни ташкил этишда мавсумийликни бартараф этиш;
- меҳнат ресурсларини йил давомида бир текис ва тўла иш билан таъминлаш;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун керак бўладиган

жамғармани ташкил этиш;

- ишлаб чиқаришга қўйилган маблағларнинг айланиш тезлигини ошириш;
- йил давомида бир текис пул тушумини таъминлаш.

Пахтачилик республикаимиз деҳқончилик саноати мажмуининг асосий тармоги бўлиб, мамлакат халқ хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда ва тармоқлар ўртасидаги муносабатларни мустахкамлашда алоҳида ўринни эгаллайди. Пахта хом-ашёси ҳамда ундан олинадиган бирламчи ва тайёр маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз ички бозорини тўлдиришда, балки уларни экспорт қилиш асосида республика бюджетини чет эл валюталари билан тўлдиришда асосий манба бўлиб ҳисобланади. Президент И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли асарида пахтачиликни Республика иқтисодиётидаги ўрнига баҳо бериб шундай ёзади: - «Бугунги кунда Ўзбекистон ташки бозорда талаб катта бўлган маҳсулот - пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради». Пахтачиликнинг корхоналар иқтисодиётидаги ўрни, унинг чиқиндисиз, кўп турли сердаромад товар маҳсулотлари етиштиришидадир.

Жумладан, бир тонна пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момик ва 580 кг чигит олинади. 340 кг толадан эса ўз навбатида 3500м² газмол, бир тонна чигитдан эса 170 кг мой, 400 кг кунжара, 60 кг ўсимлик оқсили, 300 кг шелуха олинади. Бундан ташқари ундан маргарин, кир ва атир совунлари, алиф мойи тайёрлашда фойдаланилади.

Мамлакатимизда ҳозиргача қўллаб келинаётган технология бўйича чигит апрел ойида экилади. Бунга сабаб тупроқдаги ҳароратнинг етарли (11-12 даража) бўлишини кутишдир. Янги Ан-178 Андижон усулининг қулай томони шундаки,

чигитни апрел хароратини пойлаб ўтирмай, 15-16 мартда, яъни тупрокнинг 10 сантиметр чуқурликдаги катламида ҳарорат 8-10 даража бўлганда ҳам экавериш мумкин. Бунда плёнка қуёшнинг таъсирида тупроқ хароратини 3-4 даража оширади, чигит дарҳол амал килиб, тўла ва тўқис униб чиқади ва тез илдиз ота бошлайди.

Плёнка остига экилган майдонларда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қатқалоқ бўлмайди. Тупроқ доим майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Плёнка туфайли олинаётган қўшимча ҳарорат тупрокнинг пастки қисмидаги намини буглатиб, тепа қисмига кўтаради, буг плёнкага тиркалгач, яна қуйига тушади, тупроқдаги фойдали микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти кучаяди. Натижада чигитни униб чиқиши учун доимо нам етарли бўлади. Тупроқ катламидаги мавжуд органик ва минерал ўғитлар ёш ниҳолларда пайдо бўлаётган илдизчалар орқали, тўла экинга сингади ва ғўза дуркун, соғлом ўсиб, тез ривожланади.

Чигит 90 сантиметр кенгликда, 90 x 30 схемада қўшқатор килиб экилади. Эгатнинг кенлиги 60 сантиметр, қўшқаторнинг оралиги 30 сантиметр ва кўчатлар оралиги 12 сантиметр бўлади. Шунда, ҳар гектар ерда 180 минг туп кўчат жойлаштиришга эришилади. Аввалги усулда эса кўчатлар сони 70-90 минг тупдан ошмас эди.

Плёнка остида ҳароратни кўпроқ олган ғўза ривожига тезлашади ва ҳосилга кириши ҳам шунга яраша барвақт бўлади. Хуллас, ҳар бир тадбир ўз вақтида, оби-тобида ўтказилса, ҳосилнинг пишиб етилиши оддий усулга нисбатан, ҳатто бир ойга тезлашиши мумкинлиги амалда исботланди. Чунончи, Андижон вилояти бўйича плёнка остига экилган майдонлардан ўртача 42,6 центнердан ҳосил олинди.

Бу вилоятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 11,8 центнер кўпдир. Қўргонтепа туманидаги "Савай" ширкат хўжалигида эса 50 гектар майдонда, хитойликлар кузатувида плёнка остида парвариш қилинган ғўза 46,2 центнердан ҳосил берди. Оддий усулда парвариш қилинган ердан эса 29,2 центнердан пахта йиғиштириб олинди.

Катта майдондаги бу тажриба янги технологиянинг афзалликларини

яккол кўрсатиб турибди. Демак, янги усул рисоладагидек қўлланилганда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек республика бўйича ҳосилдорликни 14-15 центнерга ошириш имконини беради.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, янги технологияни жорий этишга пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Аввало, ер сифатли шудгорланиши, тупроқ майин ва бир текис бўлиши лозим. Агар 2 сантиметр ёки ёнғокдан каттароқ кесак бўлишига йўл қўйилса, плёнка йиртилиб кетади. Плёнка ғоят юпка ва жуда тиниқ бўлганлиги сабабли ўсимликка зарур бўлган иссиқлик ҳамда ёруғликни яхши ўтказади. Далада гўзапоя, ажирик, ҳамда ғумай илдизлари қолдиғи бўлса ҳам плёнкага халақит беради.

Бундан кўриниб турибдики, плёнка остида чигит экишга мўлжалланган майдон, ҳар томонлама сифатли ва тоза бўлиши шарт.

Янги технологияга ўтишнинг ижтимоий ва иктисодий жиҳатлари ҳам бўлиб, ундан сезиларли даражада наф келади. Оддий усулда ривожланган гўзалар 5-6 марта сугорилади. Ҳар бир сугоришга гектар ҳисобига 800-1000 куб метр сув сарфланади. Плёнка остида эса гўзалар 3 мартагача енгил сугорилади, 600-800 куб метр сув сарфланади.

Оддий усулда парвариш қилинганда ишчи кучи сарфининг асосий қисми ягонага, ўтоқ ва кетмон чопигига тўғри келади.

Янги усулда ягона ва кетмон чопигига ҳожат бўлмайди. Аҳволга қараб икки марта енгил ўтоқ ўтказилиши мумкин. Далага кириб чиқаётган техниканинг тупроқ унумдорлиги пасайишига таъсири ниҳоятда катта. Эски технология бўйича гўза қатор оралари 6-7 марта культивация қилинади. Янги технологияда эса кўп культивацияга ҳожат қолмайди. Ҳар сувдан кейин саёз культивация ўтказилса кифоя. Чигитнинг меъёрий сарфи янги усулда янада кўзга ташланади. Оддий усулда кўп мушоҳадаларга бориб, чигит сарфига эътибор қилмаймиз. Плёнка остида чигит экиш сеялкасида туксизлантирилган чигит бир тешикка аниқ ташланиш туфайли унинг ҳаражати кескин камаяди.

Ўсиш даврида берилиши лозим бўлган минерал ўғитнинг тенг ярми, экиш билан бир вақтда солинади. Натижада ёш ниҳолларда пайдо бўлган илдизлар

қисқа муддатдаёқ озиқани "хазм" килишга киришади. Қолган ўғит май ойининг охирида 60 сантиметрли эгатнинг ўртасидаги ариқча оркали берилади. Янги усулда парвариш қилинган ғўза қатор оралари доимо юмшоқ хрлатда бўлади, ўғитларни яхши "хазм" килади. Агар плёнка остига чигит экилган майдоннинг узунлиги 200-500 метрдан кўпроқ бўлса, ўқ ариқлар олинади. Пахта майдонининг узун-қисқалигига караб 100-120 метр масофага биттадан кўндаланг ўқ ариқ олинishi керак. Чигит экиб бўлингандан кейин шошилмасдан (май ойида) плёнка кесилиб ўқариқ олинади.

Чигитни плёнка остига экиб, эрта ва мўл хосил етиштириш усулини кўллашда шошма-шошарлик, пала-партишлик билан иш тутиш ярамайди. Аввал бу янги технологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва нозик жиҳатларини обдон ўрганиб олиш лозим. Бунинг учун, илгор технологияни ўз далаларида синовдан ўтказиб, ижобий натижаларга эришаётган андижонлик уста пахтакорлар ҳузурига бориб, янгилик билан батафсил ва чуқур танишиш лозим.

Дон етиштириш кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришнинг асосий ўзагини ташкил этади. Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига, чорвачилик тармоқларини омухта озиқаларга булган талабини тўла қондириш дон ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб қувватланишига ва бу сохани биринчи даражали вазифага айланишига сабаб бўлди.

Мамлакатнинг дон Республикада дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабни тўла қондиришдек ўта долзарб вазифаларни илмий жиҳатдан асосланган ечимини топиш мақсадида қуйидаги тадбирлар ишлаб чиқилган:

- бошокли дон экинларини Республикамиз табиий иқлим шароитига мос келадиган маҳаллий навларини яратиш;
- бошокли дон экинлари экиладиган сугориладиган ер майдонларини кенгайтириш;
- етиштирилган хосилни ўз вақтида, нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини қайта қуриш ва мустаҳкамлаш;
- етиштириладиган уруглик-донни саклаш ва асраш, уларни турли хил

касалликларга қарши дорилаш, кадоклаш ва х.к;

- бошокли дон экинларининг касалликларига ва зарар-кунандаларига қарши кимёвий дори-дармонларни ва биологик воситаларни ўзимизнинг Ватанимизда ишлаб чиқариш;

- бошокли дон етиштиришда моддий манфаатдорликни кучайтириш, иқтисодий имтиёзлар белгилаш ва хусусан оила пудрати асосида дон етиштирувчиларга ерни беш йил ва ундан ортиқ муддатга бириктириб, шартномадан ортиқча етиштирилган ҳосилни тўлиқ ўз тасарруфида қолдириш ва хоказолар.

Бозор ишлаб чиқариш муносабатлари даврида сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашнинг долзарб вазифаларни қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодий шароитига мос келадиган ва илмий жихатдан асосланган хўжалик юритиш тизимини. Бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириш;

- тармокда йил давомида бир меъёрга маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ихтисослашган ҳудудларни ташкил этиш;

- сабзавотчилик маҳсулотларини замонавий қайта ишлаш (кон-сервалаш, қуритиш, совутиш ва музлатиш), кадоклаш ва саклаш корхоналарини давр талабига биноан шакллантириш;

- хорижий давлатлар инвестицияси ёрдамида, замонавий технологияларни янги минитехника воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уруғчиликни ривожлантириш;

- сабзавотчиликка ўғитлар етказиб беришни ва бегона ўт, зараркунандалар ва касалликларга қарши курашда замонавий гербицидлар етиштиришни кўпайтириш:

- сабзавот маҳсулотларини, айниқса, помидор, бодринг, қарамнинг ортиш ва жўнатишга чидамлилигини ошириш, автоулов воситалари, қарам йиғувчи ва бошқа транспортёрларни, контейнерларни, ортувчи-тушурувчи машиналарни жорий этиш;

- очик ерларга илмий жихатдан асосланган навбатлаб экишни ва иссиқхона хўжаликларида экинлар алмашувини ташкил этиш;

- полиэтилен плёнкалар остида эртапишар сабзавот махсулотлари етиштиришни кенгайтириш;

- сабзавотчилик тизимида янгича учётни йўлга қўйиш, ички хўжалик хисобини ва харажатларни чек тизими ёрдамида назорат этиш масалаларини такомиллаштириш;

- тармоққа меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шакллари ва меҳнатни ташкил этишнинг ижара муносабатлари ва оила (жамоа) пудрати усуллари кенг жорий этиш.

Қайд этилган вазифалар бўйича илмий жихатдан асосланган тадбирлар ишлаб чиқиш асосида вазифалар ечимини топиш, сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш ва рентабеллигини оширишни таъминлайди.

Мамлакатимизда картошка ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун қуйидаги муаммоларни ечиш лозим:

- картошканинг биологик хусусиятларини ва аҳолининг унга бўлган талабини ҳисобга олгани ҳолда экин майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ҳар гектарига камида 150 центнердан ошириш;

- картошка ишлаб чиқаришни арзонлаштириш, самарадорлигини ошириш ва ҳажмини меъёрий талаблар даражасига етказиш учун ширкат ва фермер хўжаликларида картошкачиликни кенг миқёсда ривожлантириш;

- республикада картошка уруғчилик тизимини такомиллаштириш, серхосил ва истикболли навларни яратиш ва иккиҳосил олиш технологиясини кенг жорий этиш.

Узумчилик мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида экспортбоп махсулот етиштирадиган энг сердаромад тармоқлардан биридир. Узумнинг ҳўл мевасида 15-30 %, қуритилган майизи таркибида эса 40-50 % шакар моддаси бўлиб, у тез (2-3 йилда) ҳосилга кириб, узоқ (100 йилгача) яшаб, халқ хўжалигини органик кислоталар, пектин, ошловчи ва бўёқ моддалар, ўсимлик елими, ферментлар, А, Б, С витаминлари ва минерал туз Ихтисослаштирилган узумчилик хўжаликларини ташкил этишда. уларни қуйидаги ишлаб чиқариш типларида шакллантириш мақсадга мувофиқдир:

- йирик шаҳар, саноат марказлари ва туманлар атрофида эртапишар хураки узумларни етиштирадиган ширкат ва ижарачилар хўжаликлари (80 % гача хўраки узум етиштиради);

- тоғолди ва тоғли ҳудудларда майизбоп узумчилик хўжаликларини ривожлантириш (85-90 % гача товар майиз етиштиради);

- суғориладиган ҳудудларда узумни қайта ишлайдиган винобоп навларини етказувчи хўжаликларни ривожлантириш (60 % винобоп, 30 % хўраки, 10 % майиз етиштирадиган);

- маҳсулотлари аралаштирилган истеъмолга мўлжалланган хўжаликлар (20 % хўраки, 65 % майизбоп ва 15 % винобоп);

- узумчилик-боғдорчилик типигаги хўжаликлари;

- боғ-узумчилик типигаги корхоналар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бозор иктисодиёти даврида чорвачиликни жадал ривожлантиришни имкониятлари, авваламбор чорвачиликни хусусийлаштириш ва ихтисослашган ўрта ва кичик фермаларни кучайтириш, ширкат, фермер ва аҳолининг шахсий хўжаликларида илғор тажриба, янги технологиялар _ва фан ютуқларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунда хўжалик юритишнинг янги усуллари ва самарали ишлаб чиқариш тизимларини ишга солиш бозор иктисодиёти учун айти муддаодир.

Ҳозирги кунда чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида, унинг самарадорлигини оширишнинг барча ташкилий, иктисодий ва қонуний ҳужжатлари, меъёрий асослари яратилган. Бу соҳа, асосан 5,6 минг чорвачилик фермер хўжаликларида ва 3,7 млн. шахсий томорқа хўжаликларида ривожлантирилиб мавжуд қорамолларнинг 66,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90,0 фоизи бундан ташқари, қўй ва эчкиларнинг 76,4 фоизи ва паррандаларнинг 58,7 фоизи деҳқон хўжаликлари ихтиёрида бўлиб, чорвачиликни хусусий мулкка айлантирилишига иктисодий асос яратилмоқда. Таъкидлаш керакки мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг 93.6

фоизи ва тухумнинг 63 фоизи умуман олганда, кишлок хўжалик маҳсулотларининг 60-63 фоизи хусусий томорка хўжаликларида етиштирилмоқда.

Давлат дастурида чорвачиликни жадал ва барқарор ривожлантириш учун қуйидаги тадбирий чораларни амалга ошириш аниқ вазифа қилиб қўйилган:

- чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш;
- ихтисослашмаган хўжаликлардаги чорвачилик фермалари, улардаги моллар бош сонидан катъий назар 250 бошдан кам қорамоли бўлган фермалар шахсий мулк сифатида сотилиши;
- мол бош сони 250 бошдан кўп бўлган қорамолчилик фермалари фермер хўжаликларига айлантирилиши;
- давлат наслчилиқ заводлари, наслчилиқ хўжаликлари ва фермалари, балиқ. етиштириш учун мўлжалланган ҳовузлар ва табиий сув ҳавзалари хусусийлаштирилмаслиги;
- ихтисослаштирилган наслчилиқ хўжаликларини ташкил этиш;
- зооветеринария пунктлари очилиши, уларни барча керакли лаборатория ускуналари ва асбоб анжомлар билан тўлиқ таъминлаш;
- хусусийлаштирилган чорвачилиқ фермалари ва фермер хўжаликларига сугориладиган ер майдонларини беркитиш;
- ҳар йили озикабоп экинлар 140 минг гектарга, такрорий экин майдонларини 200 минг гектар ҳисобида белгилаш;
- “Ўзгўштсаноат” давлат ҳиссадорлик уюшмасида қорамоллар ва чўчқаларни бўрдоқлаш;
- қорақўлчиликда соҳани мустақил фермер хўжаликлари шаклига ўтказиш;
- пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш, грён заводлари, пилла етиштирувчилар ва ипак йигирувчи қорхоналар бирлаштирилиб, маҳсулотни қалава сифатида тўқимачилиқ фабрикаларига сотиш ва экспорт қилиш;
- балиқ етиштирувчи фермер хўжаликларини ташкил этиш;
- чорвачилиқ маҳсулотларини жойларда харид қилиб олиш.

Ўзбекистонда қорамолчилик чорвачилиқнинг етакчи тармоғи бўлиб, жами

шартли бош молнинг 3/4 кисмини ташкил этиб, чорвачиликнинг умумий товар махсулотини 2/3 кисмини беради. Чорвачиликни, шу жумладан корамолчиликни истикболдаги ривожланиши Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигини янада чуқур иктисодий ислох қилишнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастури»да махсулот ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар бўлиши белгилаб берилганидек, корамолчилик махсулотлари ишлаб чиқариш хусусий секторда амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳозирги вақтда мавжуд корамолларнинг 86,1 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 90 фоизи, бундан ташқари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сутнинг 93,6 фоизи, гўштнинг 91,1 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Ихтисослаштиришнинг иктисодий асосини тармоқда етиштирилган товар махсулотларининг таркиби, технологик жихатдан эса махсулдор пода таркибидаги сигирлар салмоғи ташкил этади. Ҳозирги вақтда шу андозалардан келиб чиққан ҳолда сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг нисбатига кўра корамолчиликни ихтисослаштиришда қуйидаги йўналишлар вужудга келган:

- сут етиштириш учун ихтисослашган корхона ва хусусий фермалар, улар асосан йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида жойлашган бўлиб, товар махсулотларининг 95-98 фоизи сут ва сут махсулотларидан иборат бўлиб, пода таркибида сигирлар салмоғи 75-80 фоизни ташкил этади;

- сут-гўшт етиштириш йўналишдаги хўжалик ва хусусий фермалар, уларда сут ва гўшт ишлаб чиқариш нисбатлари 80:20, 70:30, 60:40 (биринчи кўрсаткич сут, иккинчиси гўшт салмоғи, % да) нисбатда бўлиб, пода таркибида 65-70 фоиз атрофида сигирлар мавжуд бўлади;

- гўшт-сут етиштириш йўналишдаги хўжалик ва хусусий фермалар, булар аралаш махсулот етиштиришда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 80:20; 70:30 ва 60:40 (биринчиси гўшт, иккинчи кўрсаткич сут, фоиз ҳисобида) нисбатда гўшт ва сут махсулотлари етиштирилиб, пода таркибида 40-45 фоизгача сигир сақлайдилар;

- гўшт ишлаб чиқариш йўналишидаги хўжалик ва хусусий фермалар мавжуд, уларда товар махсулотларининг 90-95 фоизини гўшт етиштириш ташкил этади ва

пода таркибида 30-35 фоиз сигирлар гўшт ишлаб чиқариш учун бузоқларни ўстиришга хизмат киладилар.

Чорвачиликда фермаларни ихтисослаштириш кутилган самарани бериши учун, уларнинг хажмини ички ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган даражада ўрнатиш керак.

Қўйчилик чорвачиликда анчагина катта аҳамиятга эга. Бу тармоқ гўшт, ёғ, сут, жун, тери, қорақўл териси каби хилма-хил ва қимматбаҳо маҳсулотлар беради.

Ҳозирги кунда қорақўлчиликда иктисодий ишларни такомиллаштириш, қорақўлчилик хўжаликлари ва корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республикадаги 30та наслчилик, 84 та товар хўжаликлари, қўйларни бўрдоқига боқувчи 11 та ва қорақўлча етиштирувчи 84 та мажмуа ҳамда қорақўлчилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган 2 саноат корхонасини бир тизимга бирлаштирувчи, «Ўзбек қорақўли» компанияси ташкил этилган.

Товар маҳсулот етиштирувчи фермалар, қўйларни урчитиш, қорақўл тери, жун, гўшт ва бошқа маҳсулотларни қўпайтириш йўлида иш олиб боради.

Мамлакатимизнинг Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарканд вилоятлари тоғ олди ва тоғли туманларида гўшт-жун берадиган Жайдари қўйлар, Фаргона водийси вилоятларининг тоғли ва тоғ олди худудларида асосан ёғ-гўшт учун думбали қўйлар боқилади.

Думбали қўйларнинг асосий зотлари Ҳисори ва Жайдари қўйлардир.

Мамлакатимизда қорақўлчилик муҳим аҳамиятга эга. Қорақўл қўйлари асосан Бухоро, Кашкадарё, Навоий, Сурхандарё, Самарканд, Жиззах, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасида боқилади.

Қорақўл - Ўзбекистоннинг ифтихори ва бойлиги ҳисобланади. Қорақўл терилари гул шакллариининг ўзига хослиги, табиийлиги, нақшларининг бойлиги, ипакдек юмшоқлиги, ялтироқлигининг юқорилиги билан жаҳарда шухрат қозонди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистан иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг асосий

шартларидан бири кишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши тараққиёти устиворлигини таъминлаб, кишлоқда мулкдорлар синфини яратиш ва ички хужалик юритиш механизмларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта қуришдир.

Республикамиз Президента И. Каримов Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида: - «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизни самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истикболимизни режалаш - ҳуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда кишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озиқа берадиган соҳа - кишлоқ хўжалиги тармоқларидир» деган эди. Шунинг учун ҳам республикамизда кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишга энг долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу ўта долзарб вазифаларни бажариш учун кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини, илғор ва тежамкор технологияларни, ўрта ва кичик тадбиркорликни жорий этиш ва энг асосийси ишбилармон, ўқимишли иқтисодчи - ташкилотчи мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади. Ўз навбатида кишлоқ хўжалигида ишловчи иқтисодчи кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётининг барча иқтисодий ва биологик қонуниятларини, ўрта, кичик бизнес ва тадбиркорлик асосларини, бозор иқтисодиёти қонунларини; ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкилий - иқтисодий асосларини; хўжалик юритиш тизими ва ички хўжалик ҳисоби механизмларини; корхоналарнинг мавжуд ресурс потенциалларидан самарали фойдаланиш ва уларни қайта кенгайтирилган ҳолда тиклаш дастакларини; меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари ва унга ҳақ тўлашнинг бозор иқтисодига мос келадиган даражасини таъминлаш йўлларини; ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш жараёнларини, шунингдек ўсимликчиликда: дон, пахта, картошка, очик ва ёпиқ сабзавотчилик, богдорчилик ва узумчилик агротехникаси, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, меъёрлаш, режалаштириш, технологик хариталарни тузиш, чорвачиликда: қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, чўчқачилик, пилла етиштириш ва асаларичилик тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш,

жадаллаштириш, уларга илғор-тежамкор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, меъёрлаш, истиқболни белгилаш, махсулотлар таннарни ва ишлаб чиқариш рентабеллиги тўғрисида жуда чуқур билимга эга бўлишлари лозим.

Шунингдек, иқтисодчи-ташкilotчи мутахассислар бозор иқтисодиётининг энг долзарб масалалари: бозор инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишда сервис ва лизингни ўрни, тайёрлов ва таъминот ташкilotлари билан шартномалар асосида иш олиб бориш, солиқ, суғурта ва бошқа ташкилий механизмлардан фойдалана билиш малакасига, кўникмасига эга бўлишлари шарт. Таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида асосий эътибор бозор иқтисодиёти тамойиллари, йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари ҳамда механизмлари талаблари асосида, кўпроқ, арзон, юқори сифатли ва рақобатбардош товар махсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш, уларни корхона ва тадбиркор учун самарадорлигини таъминлашга қаратилиши лозим.

Шунингучун асосий эътибор энг муҳим иқтисодий дастаклар: харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, даромадлиликни мақсадга мувофиқ даражасини таъминлаш имкониятларини кидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш мутахассислар учун жуда зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 март ПФ-3860-сонли “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта

жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, //Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил 3 (1371)-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори. //Халқ сўзи газетаси, 2009 йил 13 март.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

3. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 259 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2012 йил 20 январь, №14 (5434).
5. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19 жилди. Т.: “Ўзбекистон” Нашриёт-Матбаа ижодий уйи. 2011. 357 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. - 440б.

IV. Асосий адабиётлар:

7. Абдуғаниев А, Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». Ўқув кўлланма. Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси». 2004. -278б.

8. Байилов М.Т ва бошқалар. “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”. 2011-2015 йиллар учун (II -қисм), Тошкент, “HILOL MEDIA” МЧЖ, 2011, 152 бет.
9. Ғозибеклов Д.Ғ. Сабиров О.Ш, Мўминов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Fan va texnologiya”, 2004 й, 308 б.
10. Давлятова.Г.М. Совершенствование системы лизинговых отношений на предприятиях текстильной промышленности. Автореферат дисс... к.э.н.08.00.03/ Г.М.Давлятова; Академия наук Р.Уз Институт экономики.-Ташкент, 2011.-24с.
11. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. Тошкент “Истиқлол”. 2004. - 343 б.
12. Кобулов М. Самара ошади, харажат камаяди. Техник хизмат кўрсатиш пункти ғалла комбайнларининг пухталигини таъминлайди// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2006. 9-сон. 37 бет.
13. Мукимов.З.М. Фермер хўжаликлариға хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари: Сурхондарё вилояти фермер хўжаликлари мисолида: и.ф.н... дисс.автореферати: 08.00.04. З.М.Мукимов; УзР Банк-молия академияси.-Т., 2009.-26б.
14. Пулатова Р.Х. Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. ТошДАУ тахририят-нашриёт бўлими.-Т., 2006. - 147 б.
15. Рустамова И.Б.“Қишлоқ хўжалигида техник салоҳиятни ривожлантириш механизмлари. Журнал. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №2/ 2012 й., -39 б.
16. Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалигининг техник салоҳиятини ривожлантириш имкониятлари. Журнал. /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №3/ 2012 й., - 44 б.
17. Рахимов.Б.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида моддий-техник ресурслари бозорини ривожлантириш: и.ф.н. автореф дисс: 08.00.04/Б.И.Рахимов:УзБИИТИ.-Тошкент, 2006-30 б.
18. Рашидов.Ж.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

- шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари (Самарканд вилояти мисолида): и.ф.н. дис.автореф: 08.00.04/Ж.Х.Рашидов.-Ташкент, 2004-28б.
19. Сабилов О.Ш. Современное состояние лизинговых отношений в Р.Уз и основные направления их дальнейшего совершенствования: Автореф. дисс. канд. экон. наук: 08.00.07/О.Ш.Сабилов; Банковско-Финансовая Академия Р.Уз:-Ташкент; 2001-21с .
 20. Саидкаримова.М.И. Эффективность использования основных производственных фондов в плодоовощной промышленности в условиях рыночных отношений: Автореферат дисс.к.э.н. 08.00.04. М.И.Саидкаримова, Ташкент государственный технический университет имени Абу Райхони Беруни .-Ташкент, 2005й.-23 с.
 21. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж., Рустамова И.Б. «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш». Дарслик. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Тошкент – 2005 й. 508 б.
 22. Тошболтаев М, Рустамов Р, Ё.Холиёров, М.Кобулов, З.Сейтимбаева. “Замонавий қишлоқ хўжалик машиналарига фирмавий хизмат кўрсатиш системасини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича илмий-техник давлат дастурига доир илмий тадқиқот иши тўғрисида Якуний ҳисобот. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази. Давлат регистрацияси №КХ-4Ф-07. Тошкент. 2011 й.251бет.
 23. Тошболтаев М. Сервис маркази ва туман МТП орасидаги масофа қийматини оптималлаштириш моделлари. //Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари: Республика илмий амалий конференция маърузалар тўплами. -1қисм. Тошкент. ТИМИ. 2009 й. 60-63 бетлар.
 24. Тошболтаев М. Замонавий техника воситаларига фирмавий техник сервис кўрсатиш шаҳобчаси тузилмасини такомиллаштириш. //Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари: Республика илмий амалий конференция маърузалар тўплами.

-1қисм.2009 й. Тошкент ТИМИ. 89-92 бетлар.

25. Умурзоков Ў.П., Тошбоев А.Ж, Тошбоев А.А. “Фермер хўжалиги иқтисодиёти” Ўқув қўлланма. Т. “Иқтисодиёт – Молия” 2008 й. -276 б.
26. Умрзаков.У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики (на материалах Республики Узбекистан): дисс... доктора.экон.наук: 08.00.04/У.П.Умрзаков.-Ташкент. 2003.-272 с. РД Уз 63.03-98
27. Ўзбекистонда фермер хўжалигини юритиш асослари. Тошкент. Ворис-Нашриёт. 2007.
28. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари.-Т.: “Янги авлод”, 2004, 143 б.
29. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007 й.
30. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент “Университет” 2005 й. 212 б.
31. Хатамов.О.К. Қишлоқ хўжалигида техника таъминотида инвестицияларни жалб этиш жараёнларини моделлаштириш.: и.ф.д. диссертация автореферати:08.00.06/08. Хатамов О.К. ТДИУ.-Т, 2010.-44б.
32. Хамидов А.С. Повышение экономической эффективности использования МТП в хлопководстве: Дисс..... к.э.н: 08.00.22. Т.: 1987-144 с.
33. Хамдамов МТПларининг ташкилий-иқтисодий ривожланиш механизми. и.ф.н. Т.: 2001.
34. Холиёров Ё.Б., Йўлдошев Ш.У., Тошболтаев М.Т. “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги самарали агротехнологияларни бажарувчи техника воситаларининг типаж, таркиби ва меъёрлаш ҳамда сервис кўрсатиш усулларини такомиллаштириш” мавзуси бўйича илмий-техник давлат дастурига доир илмий тадқиқот иши тўғрисида Якуний ҳисобот. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти. Давлат регистрацияси № КХА-15.028. I-қисм. Гулбахор. 2011 й. 251бет.

V. Қўшимча адабиётлар:

35. Б.Ходиев, А.Бекмуродов, У.Ғофуров, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ва «Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма, Т.: Иқтисодиёт, 2010.
36. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 259 бет.
37. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

38. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг экологик соф ресурстежамкор технологиялари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. Илмий мақолалар тўплами. Декабрь. 2009 й.
39. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ихтиёридаги ер участкаларини мақбуллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини такомиллаштириш” илмий-амалий анжуман. Илмий мақолалар тўплами. 2009 йил 25 февраль. Тошкент. 2010й.
40. Сельское хозяйство Республики Узбекистан за 2002-2009 г.г., Госкомстат

Ўзбекистана, за соот. годы.

VII. Интернет сайтлари:

41. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.
2009-2011 йиллар.
42. Ўзбекистон Республикаси “Узагромашсервис” уюшмаси маълумотлари.
2009-2011 йиллар.
43. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.
2008-2011 йиллар www.stat.uz.
44. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти:
<http://www.agro.uz>.
45. Тошкент Давлат аграр университети К17-025 рақамли амалий лойиҳа бўйича
яратилган фермерлар учун агропортал. www.agriculture.uz.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан боғ, тоқзорлар ва кўчатчиликни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Худудлар	Фермер хўжалик лари сони	Барпо этилади ган боғ, тоқзорлар майдони, га	Шу жумладан				Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
			интенсив боғ	маҳаллий боғ	тоқзорлар	кўчатчилик		ўз маблағи хисобидан	банк кредити хисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	135	360	12	257	92	0	1297	1168	129	848
Андижон	187	454	72	185	195	2	2446	1724	722	864
Бухоро	157	299	123	122	54	2	2167	1204	964	760
Жиззах	270	3112	132	1550	1430	0	13722	5029	8692	9095
Қашқадарё	342	1373	201	690	473	9	5985	4740	1245	2792
Наманган	82	651	263	139	238	12	5470	3392	2077	818
Навоий	106	397	201	74	117	5	2761	2244	517	1000
Самарқанд	215	1192	531	388	244	29	17630	14602	3028	1169
Сурхондарё	205	622	111	337	169	0	2244	1072	1172	611
Сирдарё	182	475	39	333	91	12	1966	1409	556	1063
Фарғона	153	511	179	143	189	0	3961	3415	546	1086

Тошкент	309	2526	325	1222	965	15	9990	7014	2976	3180
Хоразм	82	161	28	101	26	6	902	643	259	437
Жами	2425	12133	2217	5540	4282	91	70541	47657	22883	23723

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан сабзавотчиликни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Худудлар	Фермерлар сони	Майдони,га	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
				ўз маблағи ҳисобидан	банк кредити ҳисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	913	4678	14529	14529	0	10210
Андижон	239	298	1188	1076	112	725
Бухоро	516	749	2312	2226	86	2106
Жиззах	263	531	1076	750	326	831
Қашқадарё	247	466	1390	1313	77	1363
Наманган	138	192	702	660	42	504
Навоий	148	298	582	570	12	955
Самарқанд	878	1699	3858	3784	75	2562
Сурхондарё	455	893	2532	2214	317	1590
Сирдарё	268	424	998	926	72	942
Фарғона	226	510	1630	1630	0	1175
Тошкент	755	2885	9396	8498	898	4909
Хоразм	793	2844	8394	8394	0	6654
Жами	5839	16467	48586	46570	2017	34526

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан сервис хизматларини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Худудлар	Фермерлар сони	Лойиҳалар сони	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
				Ўз маблағи ҳисобидан	Банк кредити ҳисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	228	373	6694	4868	1826	618

Андижон	458	458	17291	8898	8393	1638
Бухоро	391	531	16236	11517	4718,9	1119
Жиззах	233	280	5912,5	4705,3	1207,2	441
Қашқадарё	485	485	13519	7384	6135	1365
Наманган	122	173	8342	2604,5	5737,5	520
Навоий	128	145	1337	808	528	334
Самарқанд	769	1174	33504	27927	5577	2932
Сурхондарё	204	386	7088	4661	2427	729
Сирдарё	637	679	15622	12753	2869	2015
Фарғона	157	246	10691	9426	1265	865
Тошкент	724	905	35036	25783	9253	2221
Хоразм	795	1171	33207	28148	5059	2329
Жами	5331	7006	204479,5	149482,8	54995,6	17126

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш юзасидан амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Худудлар	Фермерлар сони	Гўшти қайта ишлаш	Сутни қайта ишлаш	Мева-сабзавотларни қайта ишлаш	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари сони
						Ўз маблағи хисобидан	Банк кредити хисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	24	4	12	8	5385	2033	3352	110
Андижон	19	1	11	7	2210	1009	1201	184
Бухоро	24	7	5	12	3046	691	2355	136
Жиззах	31	8	10	13	5055	1978	3077	146
Қашқадарё	40	12	14	14	8678	3087	5591	350
Наманган	13	3	8	2	2752	1157	1595	116
Навоий	11	3	7	1	1580	920	660	131
Самарқанд	28	3	11	14	17293	5342	11951	259
Сурхондарё	30	10	11	12	4487	1655	2832	190
Сирдарё	53	20	19	14	3700	1416	2284	362
Фарғона	45	12	20	13	7840	5040	2800	389

Тошкент	56	9	28	21	12735	4420	8315	487
Хоразм	21	7	10	4	8828	3853	4975	200
Жами	395	99	166	135	83589	32601	50988	3060

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан **ҚОРАМОЛЧИЛИКНИ** ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Қорамолчиликни ташкил этиш бўйича лойиҳалар						
Худудлар	Фермерлар сони	Бош сони	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
				ўз маблағи ҳисобидан	банк кредити ҳисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	122	5287	21574	4350	17223	508
Андижон	48	3134	14651	7746	6905	300
Бухоро	30	2290	11744	6589	5155	143
Жиззах	58	1843	10308	4262	6047	172
Қашқадарё	423	12768	46906	20307	26599	1463
Наманган	60	2342	11096	4273	6823	248
Навоий	59	2079	7822	2339	5483	166
Самарқанд	70	2087	9584	4331	5253	243
Сурхондарё	164	4443	11034	5835	5199	514
Сирдарё	119	3877	13821	4283	9538	447
Фарғона	155	4687	16474	9627	6848	675
Тошкент	127	5702	20654	10455	10199	595
Хоразм	65	4229	12347	7390	4957	337
Жами	1500	54768	208015	91787	116229	5811

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан **ПАРРАНДАЧИЛИКНИ** ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Паррандачиликни ташкил этиш бўйича лойиҳалар						
Худудлар	Фермерлар сони	Бош сони	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
				ўз маблағи ҳисобидан	банк кредити ҳисобидан	

Қорақалпоғистон Республикаси	45	174600	4037	1371	2667	188
Андижон	27	243500	3313	2204	1109	161
Бухоро	24	474400	16015	7797	8218	141
Жиззах	90	167110	3025	1451	1574	261
Қашқадарё	108	401000	8024	3287	4737	503
Наманган	32	203900	3659	1539	2120	148
Навоий	38	342000	5255	3035	2220	181
Самарқанд	42	394000	6824	3899	2925	181
Сурхондарё	72	301100	3495	2399	1096	265
Сирдарё	36	351100	5597	1015	4583	268
Фарғона	47	298500	4965	3483	1482	188
Тошкент	80	385700	6137	3957	2180	343
Хоразм	29	282000	6660	3475	3185	164
Жами	670	4018910	77006	38911	38095	2992

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан балиқчиликни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Балиқчиликни ташкил этиш бўйича лойиҳалар						
Худудлар	Фермерлар сони	Бош сони	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
				ўз маблағи ҳисобидан	банк кредити ҳисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	116	274548	1443	743	700	205
Андижон	20	76245	592	264	328	46
Бухоро	35	319200	1440	807	633	94
Жиззах	41	694472	1218	757	461	139
Қашқадарё	71	163151	3460	1483	1977	211
Наманган	20	226475	1086	951	135	82
Навоий	40	374700	3170	947	2223	81
Самарқанд	44	242450	933	659	274	100
Сурхондарё	77	441700	2757	1303	1454	191

Сирдарё	55	968205	9876	8429	1447	224
Фарғона	56	382097	1893	1321	572	160
Тошкент	75	358910	2437	1737	700	248
Хоразм	36	154850	1519	1039	480	103
Жами	686	4677003	31823	20439	11384	1884

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ДАСТУРига асосан асаларичиликни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Асаларичиликни ташкил этиш бўйича лойиҳалар						
Худудлар	Фермерлар сони	Бош сони	Талаб этиладиган маблағ, млн. сўм	Шундан		Яратиладиган янги иш ўринлари, сони
				ўз маблағи ҳисобидан	банк кредити ҳисобидан	
Қорақалпоғистон Республикаси	71	985	480	323	157	81
Андижон	14	1150	1228	804	424	65
Бухоро	26	1520	567	439	128	43
Жиззах	54	2062	1097	629	468	69
Қашқадарё	65	3515	2912	1653	1259	185
Наманган	42	1315	987	728	259	111
Навоий	44	1196	756	569	187	91
Самарқанд	58	3164	1217	878	339	73
Сурхондарё	97	5532	2107	1280	827	165
Сирдарё	28	1119	379	199	180	70
Фарғона	48	3273	1034	583	451	101
Тошкент	70	1701	3601	3479	122	118
Хоразм	19	1220	528	340	188	44
Жами	636	27752	16893	11904	4989	1216